



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељагаи
буюк
давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 3 июнь, № 115 (8177)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон — Тожикистон:

МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК, ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон
2 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари нафақат қўшни, балки асрлар давомида қондошу қардош бўлиб, бир булоқдан сув ичиб, бир хаводан нафас олиб, ягона осмон остида бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб келган, яхшию ёмон кунларда елкама-елка туриб, қўйинчиликларни енгиб ўтган. Ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирига мустаҳкам боғлаб туради.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Етакчилар ўртасида қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

Сўнг Тожикистон Президенти “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Меҳмонга мажмуанинг мазмун-моҳияти ва меъморий хусусиятлари ҳақида сўзлаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга келган олий даражадаги меҳмонлар томонидан ушбу монументга гул қўйиш маросими анъанага айланди.

Кўксаройда Тожикистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон шох-супага кўтарилди. Ўзбекистон ва Тожикистон давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул давлат раҳбарлари олдида тантанали юриб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари биродар халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига асосланган ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. Музокараларда асосий эътибор икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, сиёсий, парламентлараро,

савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг кун тартибини тубдан кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Кейинги олти йилда ҳамкорликнинг барча йўналишларида ютуқларга эришилди. Олий даражадаги музокараларда эришилган келишувлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасида мунтазам алмашувлар йўлга қўйилган.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклигини янада ривожлантириш йўлидан қатъий боришларини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари савдони фаол кенгайтириш ва саноат кооперациясини кучайтириш, икки мамлакатнинг логистика ва транзит имкониятларини ривожлантириш ҳамда сув энергетикаси лойиҳаларини амалга ошириш орқали муносабатларни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашилди, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни давом эттиришга томонларнинг интилиши қатъий экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг музокаралари икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Ўзбекистон раҳбари кўп қиррали ҳамкорликнинг барча йўналишларида улкан муваффақиятларга эришилганини катта мамнуният билан қайд этиб, Тожикистон бизнинг яқин қўшимиз, содиқ дўстимиз, давр синовидан ўтган ишончли стратегик шеригимиз эканини таъкидлади.

Президентимиз ўзаро манфаатли ва ҳар томонлама ҳамкорлиқни мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатли йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамлашга тайёрлигини билдирди.

Кейинги йилларда икки томон-

лама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Товар айирбошлаш 600 миллион долларга етди. Қўшма корхоналар сони 10 қарра ошди.

Кўп кеча ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форумнинг муваффақиятли натижалари — 1 миллиард долларлик янги битим ва шартномалар имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Транспорт, ҳудудлараро ҳамкорлик, парламентлараро ва маданий-гуманитар алоқалар борасида ҳам муҳим натижаларга эришилди.

Икки давлат пойтахтлари Тошкент ва Душанбе шаҳарлари, Сурхондарё ва Хатлон вилоятлари ҳамда Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сўғд вилоятлари ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилган. Мазкур ташриф доирасида ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси”ни Жиззах ва Сўғд вилоятлари ҳам қабул қилдилар.

Президентлар биродар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий шериклик устувор аҳамиятга эга эканини, савдо ҳажми ва номенклатурасини қаррасига ошириш учун катта салоҳият мавжудлигини таъкидладилар.

Машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, чарм, фармацевтика, озиқ-овқат, агросаноат, тоғ-кон, металлургия ва бошқа тармоқларда лойиҳаларни амалга ошириш учун катта истиқболлар борлиги қайд этилди.

Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компанияси салоҳиятини фаол ишга солиш орқали ҳудудлараро ва саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш долзарблиги кўрсатиб ўтилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш тўғрисида келишувларга эришилди. Президентлар фан, таълим, санъат, кино ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликка эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва маънавиятини юксалтириш устувор йўналиш сифатида қайд этилди.

Етакчиларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги абадий дўстлиқни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш бўйича тарихий қарори қўйилган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлади.

Таъкидланганидек, Тожикистон

Президентининг дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўладиган жорий йилда ўтаётган ушбу ташрифи биродар халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари мустаҳкамлигининг ёрқин тасдиғидир.

Тожикистон Президентининг ташрифи доирасида Зарафшон дарёсида Яван гидроэлектр станцияси қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон рамзий тугмани босиб, қурилишга старт бердилар.

Ушбу иншоот энергетика соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликда биринчи йирик лойиҳа бўлади. 140 мегаватт қувватли замонавий станция мамлакатларимиз энергетик хавфсизлиги, сув ва қишлоқ ҳўжалиги барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Муҳандислик ишлари тўлиқ замонавий стандартлар асосида, илғор хорижий компаниялар иштирокида олиб борилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришга етакчи халқаро институтлар, шу жумладан, Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки қизқиш билдирган.

Ушбу лойиҳа тармоқнинг илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш, минглаб хонадонлар ва янги корхоналарни “яшил энергия” билан таъминлашга хизмат қилади.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон тарихий аҳамиятга эга Абадий дўстлиқни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар даражасида кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 11 та ҳужжат имзоланди.

Жумладан:

— Саноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича “Йўл харитаси”;

— Маданият вазирликлари ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган маданият ва санъат

соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ва Тожикистоннинг Сўғд вилояти ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”;

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Ипакчилик тармоғида ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президентлар музокаралар очиклик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни ва ушбу мамлакат делегацияси аъзоларини меҳмондўст Ўзбекистонга ташрифи билан қўлаб, Тожикистон бизнинг асрлар синовидан ўтган яқин қўшимиз, содиқ дўстимиз ва ишончли стратегик шеригимиз эканини яна бир бор таъкидлади.

— Ўзбекистон халқи биродар тожик халқи билан тарих, маданий-маънавий мерос ва аждоқларимизнинг эзгу анъаналари муштараклигига асосланган дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қадрлайди. Ёруғ кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам биз доимо елкама-елка турганмиз, бир-биримизни қўлаб-қувватлаганмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан икки томонлама муносабатларда ҳақиқатдан катта марраларга эришишга, уларни жуда юқори даражага кўтаришга муваффақ бўлинганини таъкидлади. — Айнан шу туфайли бугун чинакам тарихий аҳамиятга эга қарор қабул қилинди. Биз Абадий дўстлиқни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладик, — деди Шавкат Мирзиёев.

— Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссасини Тожикистонда жуда қадрлашади. Жорий йил октябрь ойида Тожикистон ва Ўзбекистон дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигини нишонладилар. Аҳамиятлиси, биз учун муҳим бўлган айнан шу йилда муносабатларимизни иттифоқчилик даражасига кўтариш бўйича тарихий қарор қабул қилдик, — деди Эмомали Раҳмон.

Кейинги йилларда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми қарийб 40 баробарга, жорий йил бошидан эса 35 фоизга ошгани мамнуният билан қайд этилди.

Шу йил 20 июнь кунидан бошлаб Тошкент — Душанбе йўналишида йўловчи поездининг қатнови йўлга қўйилди.

Томонлар янги транзит йўлакларини шакллантириш ва замонавий логистика инфратузилмасини яратиш, ҳаво, темир йўл транспорти ва автобуслар қатновини кўпайтириш, биргаликда агрокластерлар ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва учинчи мамлакатлар бозорларига чиқишга келишиб олдилар.

Энергетика ва сувдан оқилона фойдаланиш борасида самарали ҳамкорлик учун ноёб имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Тожикистон Президентининг Музликларни асраш халқаро фондини ташкил этиш ва 2025 йилни Музликларни ҳимоя қилиш халқаро йили, деб эълон қилиш ташаббуси қўлаб-қувватланди.

Музокараларда парламентлараро мулоқот ва халқ дипломатиясини янада кенгайтириш, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш ва маданий-гуманитар ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Биродар халқларимизни ўзаро бойитиш ва яқинлаштиришга, мамлакатларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган миллатларимизнинг кўп сонли вакиллари бизни бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Биз миллий маданий марказларнинг муваффақиятли фаолияти учун бундан буён ҳам зарур шароитлар яратишга тайёр эканлигимизни тасдиқладик, — деди Ўзбекистон Президенти.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳар йили Тожикистон фуқаролари учун ажратиладиган таълим грантлари сонини кўпайтирмоқчи.

Мамлакатларимизда кино, маданият кунлари ва турли фестивалларни мунтазам ўтказиб бориш давом эттирилади.

Маълумки, жорий йилда буюк шоирларимиз Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг яқин дўстлигига бағишланган қўшма фильмни суратга олиш бошланади.

— Ўйлайманки, фильм намойиши давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг 30 йиллигини кенг нишонлаш доирасида узоқ кутилган воқеа бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг алоҳида аҳамиятини, халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида конструктив мулоқот ва ўзаро кўмакни давом эттириш зарурлигини қайд этдилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг тарихий ташрифи натижалари, ҳеч шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, ўзаро англашув ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Шундан сўнг Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган ушбу саноат мажмуасида умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа йўлга қўйилган. Бугунги кунда шундан 13 таси ишга тушган бўлиб, электрон газ ҳисоблагич, музлаткич, саноат кондиционерлари ва совитиш тизимлари, лифт ва эскалаторлар, сув насослари, эшик ва дераза ромлари учун аксессуарлар ясалмоқда.

Бу йил изоляция маҳсулотлари, сув иситиш ускуналари, ошхона техникаси корхоналари ҳамда логистика маркази ишга туширилди.

Тожикистонлик меҳмонларга Технопаркда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб берилди.

Бу товарлар хорижий брендлар номида ва уларнинг назорати остида тайёрланиши боис харидоргир. Сифат ва нарх мутаносиблиги билан қўшни мамлакатлар бозоридан ҳам ўрин эгалламоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев икки давлатнинг турдош муассасалари раҳбарларига ўзаро яқиндан ишлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, саноат кооперацияси ва савдони кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг саноат салоҳияти, маҳсулотларнинг кенг ассортименти ва сифати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Зиёидилла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ
Ўза мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ҒАЛЛАНИНГ ТЎЛИҚ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА СОТИШГА ЎТИЛИШИ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Ёдингизда бўлса, шу йилнинг 12 май куни Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида ўтказилган йиғилишда жаҳон бозорларида озиқ-овқат нархлари юқори сурьатлар билан ўсаятгани, халқаро биржаларда 1 тонна бугдой нархи 400 доллардан сотилаётгани, йил бошидагига нисбатан 30 фоизга ошгани айтиб ўтилди. Албатта, ушбу рақамларнинг ўзиёқ барчани ҳушёрликка ундайди.

Таҳлил

Ҳўш, бундай шароитда нима қилиш керак?! Фермерлар манфаатдорлигини таъминлаш, ҳосилдорлини ошириш орқали бозорда тақлифни кўпайтириш, шунингдек, ғаллачиликда бозор механизмларини тўлиқ жорий этишни пухта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш нарх-наво барқарорлигини таъминлашнинг ягона ва тўғри йўли эканлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.

Шу йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор таъмойлигини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ҳам айнан шу мақсадга, яъни фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ички бозорни бугдой ва ун маҳсулотлари билан ўзлуксиз таъминлаш, ғаллани давлат эҳтиёжи учун зарур ҳажмдан зиёд харид қилишдан воз



кечиш орқали соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Бу ҳужжатга қадар Вазирлар Маҳмасининг 2018 йил 13 сентябрдаги “Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 14 октябрдаги “Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари билан қўлигли нон ва ун нархлари эркинлаштирилган эди. Дарҳақиқат, сўнгги вақтларда жахондаги иқтисодий вазият бекарорлиги боис озиқ-овқат нархи кескин ошиб бораёттир. Албатта, жаҳонда юзага келаётган бундай глобал танглик Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шу боис бундай салбий ҳолатлар

нинг олдини олиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш, мамлакатда дон етиштириш ҳажмини сезиларли даражада ошириш мақсадида мазкур қарор қабул қилинди.

Ундан кўзланган асосий мақсад, аввало, ғалла етиштирувчиларнинг, жумладан, фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини ошириш ва шу асосда ғалла ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосил етиштириш ҳажмини кескин оширишдан иборатдир. Бу ички бозорни бугдой ва ун маҳсулотлари билан ўзлуксиз таъминлашга замин яратилишдан ташқари, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини оширади.

Қарорда ғалла бозорини эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳам белгиланган. Хусусан, 2022 йил ҳосилидан сугориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 2,5 тоннадан, жами 2550 минг тонна бугдой олиш кўзда тутилган

бўлиб, шундан 1783,5 минг тоннаси давлат ресурси сифатида, 266,5 минг тоннаси уруғлик учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан харид қилинади. Шунингдек, 500 минг тоннаси фермер хўжаликлари ҳамда бошқа ғалла етиштирувчилар томонидан кейинчалик биржа савдоларида сотиш учун жамғарманинг тижорат вақилида вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинади.

Эътиборли жиҳати шундаки, жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган ва бугдой етиштирувчилардан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган ун ва ундан юқори синфлардаги бугдой биржадан харид қилинган доннинг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги унни биржа савдоси орқали сотиш мажбуриятини олган, ун ишлаб чиқариш қувватига эга тадбиркорларга сотилади. Айни чоғда 4 ва 5-синфлардаги бугдойни сотишда эса ҳеч қандай чекловлар бўлмайди.

Қарорга кўра донни қабул қилиш ва омборлардан чиқариш жараёни тезкор ва шаффоф амалга оширилиши учун d-xarid.uz ахборот тизими ишга туширилади.

Дон ва ун маҳсулотларини тўлиқ бозор нархида сотиш ва сотиб олишдан кимлар манфаат кўради? Албатта, ҳамма.

Буни қуйидагича тушунтириш

мумкин. Бугун юртимиз бўйича 40 мингга яқин хўжалик ғаллачилик билан шуғулланади. Ҳар бир хўжаликда ўртача 10 нафар ишчи меҳнат қилади. Фермерлар оиласи билан бирга 440 мингга яқин оила, уларнинг ҳар бирида 5 киши бўлса, умумий ҳисобда 2,2 миллион одамнинг моддий манфаатдорлиги ошади.

Қолаверса, эндиликда ун ишлаб чиқарувчи корхоналар бугдойни биржада сотиб олади ва ун маҳсулотини ҳам шу йўл билан сотади. Ишлаб чиқарувчилар сони кўплиги соҳада рақобат муҳитини шакллантириш имконини беради.

Энг муҳими, бугдой ва ун маҳсулоти биржа орқали сотилиши, ушбу маҳсулотларнинг ҳаракатланиши ва солиқ тушумларининг шаффофлигини таъминлайди ҳамда давлат иқтисодиётга аралашув юкидан халос бўлади.

Ғаллачилик соҳасида олиб борилайётган бу каби саяёй-ҳаракатлар глобал миқёсда бўй кўрсатаётган очарчиликнинг юртимизни четлаб ўтишини таъминлашда қўл келади. Бу эса барча масъуллар қаторида, биз, халқ вакилларидан ҳам белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда қонбозлик кўрсатишимизни талаб этади.

Баҳодир ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр ва сув хўжалиги
масалалари қўмитаси раиси.

Ўрганиш

МАСЛАҲАТ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН?

Аввал хабар берилганидек, шу йилнинг 10 — 30 май кунлари Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенаторлар бошчилигидаги ишчи гуруҳлар бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотларда давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш мақсадида ташкил этилган маслаҳат кенгашлари фаолияти билан танишиб чиқди.

Хусусан, Сенат қўмитаси раиси М. Қодирхонова бошчилигидаги 1-кичик гуруҳ аъзолари Мудофаа, Инвестициялар ва ташқи савдо, Инновацион ривожланиш ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, шунингдек, бир қатор қўмита ва агентликларда йўлга қўйилган маслаҳат кенгашлари ишини ўрганди.

Ишчи гуруҳ аъзолари маслаҳат кенгашлари қай даражада феолият юрифтаётганиги, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга масъул бўлган ваколатли шахслар олиб бораётган ишларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Қўмита раиси ўринбосари М. Парпиев бошчилигидаги 2-кичик гуруҳ аъзолари Транспорт, Ўйжой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, Давлат божхона, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмиталарида ҳамда ўндан ортиқ ташкилотларда бўлди. Маслаҳат кенгашлари ходимлари билан суҳбатлар ташкил этилиб, хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар кўздан кечирилди.

БОҒЧАЛАРДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Болани соғлом овқатлантириш ва уларга сифатли таълим-тарбия бериш долзарб масала ҳисобланади. Зеро, соғлом овқатлантиришни йўлга қўймасдан туриб, сифатли таълим-тарбия бериш амалиётини йўлга қўйиш мушкул.

Шу маънода Олий Мажлис Сенати аъзолари, мутасадди идоралар ва ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ Тошкент вилоятининг Қибрай, Янгийўл ва Зангиота туманларидаги бир қатор давлат мактабгача таълим ташкилотларида олиб борган ўрганишларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш ҳолати қандайлигига алоҳида эътибор қаратди.

Ишчи гуруҳ аъзолари дастлаб Қибрайдаги 20 ва 29-давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун харид қилинаётган маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлиги, етказиб берилиши, сақланиши, таом тайёрлаш жараёнида санитария-гигиена қоидалари ва меъёрларига риоя этилиши устидан давлат санитария назорати қандай йўлга қўйилганлигини ўрганди.

Сўнгра ишчи гуруҳ аъзолари Янгийўлдаги учта давлат мактабгача таълим ташкилотидида мавжуд вазият билан танишди. Айни

чоғда мактабгача таълим муассасаларининг соғлом овқатлантиришни ташкил этишга масъул ходимлари, соҳа бўйича мутахассислар ва аутсорсинг корхона масъуллари билан суҳбатлар ўтказилди.

Ўрганишлар давомида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этишда эришилган ижобий ютуқлар баробарида, муайян камчиликлар ҳам борлиги аниқланди ҳамда уларини бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Нуррафшон шаҳрида ўрганишлар якуни бўйича ўтказилган йиғилишда Мактабгача таълими вазирлиги ва вилоят бошқармаси масъул ходимлари, шаҳар, туманлар мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари, вилоятдаги аутсорсинг хизмати кўрсатувчи корхона раҳбарлари иштирокида ишчи гуруҳ аниқлаган хато ва камчиликлар муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

МУРОЖААТЛАР МУТАСАДДИЛАР КЎМАГИДА ҲАЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров иштирокида фуқаролар қабули ташкил этилди.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” Қонун нормаларига мувофиқ ўтказилган қабул жараёнида мамлакатимиз ҳудудларидан келган 60 дан зиёд фуқаролар муаммолари, талаб ва истаклари тингланди. 20 нафарга яқин фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар, муаммолар ечими юзасидан

тўғри йўналишлар берилди. 40 нафар фуқаро мурожаатлари қабул қилиниб, расмийлаштирилди.

Мурожаатларнинг асосий қисмини маҳаллаларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш билан боғлиқ юзага келган масалалар, имтиёзли уй-жой хариди учун субсидия ажратиш, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчи-

ларини моддий жиҳатдан ҳамда уй-жой билан таъминлаш, ишдан асоссиз равишда бўшатилганлик, ер ва сув хўжаликлари ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига оид бўлиб, бу мутасадди ташкилотлар раҳбарларидан масъулиятни янада оширишни талаб этади.

Сенатор томонидан мурожаатларни ижобий ҳал этиш юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳудудлардаги масъул раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ХАЛҚ ҚОМУСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов ўрта Чирчиқ туманидаги “Тошлок” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашди.

Мулукот давомида сенатор маҳалла раиси сайловининг мазмун-моҳияти хусусида тўқталаркан, ушбу жараёнларда қатнашиш ҳаркимнинг конституцион ҳуқуқи эканлиги ҳамда одамларнинг ўзлари ишонч билдирган номзодга овоз бериши элу юрт тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатишини қайд этди.

Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилайётган ислохотлар, Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтиш, умуман,

янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёни мамлакат Конституциясини жамиятдаги бугунги реал воқеяликка мослаштиришни тақозо этаётганлигига ҳам ургу берилди.

Бундан ташқари, сенатор Конституциявий комиссия аъзоси сифатида халқ ва кенг жамоатчилик томонидан Асосий Қонунга ўзгартириш ва қўшимча киритиш бўйича кўплаб фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилётганлигини, ҳар бир тақлиф алоҳида ўрганилиши ҳамда аҳоли орасида кенг му-

АҲОЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН РОЗИМИ?

Юрак-қон томир, insult, хавфли ўсмалар, нафас олиш аъзоларининг сурункали ва қандли диабет каби юқумли бўлмаган касалликлар бутун дунёда ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабларидандир.

Қарор ва ижро

Улар асосан, юқори қон босими, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, қондаги холестериннинг юқори даражаси, ортиқча тана вазини, мева ва сабзавотларни етарлича истеъмол қилмаслик ва суист жисмоний фаоллик каби хавфли омиллар туфайли юзага келади.

Шу боис кейинги йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва сил инфекциясидан ҳимоялаш, сил ҳамда ўпканинг носпецифк касалликлари тарқалишининг олдини олиш, барқарор санитария-эпидемиология ҳолатини сақлаб туриш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Аҳоли орасида нафас олиш тизими касалликларини қамайтириш борасида амалга оширилайётган ишлар ҳолати ва истиқболдаги режалар” мавзуида ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг “Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди бел

гиланган вазифалар ижроси атрофлича муҳокама қилинди.

Хусусан, халқ вакиллари томонидан мамлакатимизда фтизиатрия ва пульмонология соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларга замонавий, жаҳон талабларидаги сифат ва стандартлар даражасида диагностика ва даволашни таъминлаш ҳамда ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар эътироф этилди.

Шунингдек, давра суҳбатида депутатлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ўпканинг носпецифк касалликлари тарқалишининг олдини олиш, барқарор санитария-эпидемиология ҳолатини сақлаб туриш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни қучайтириш, нафас аъзолари тизимининг ташқи нафас функцияларини ўрганиш ҳамда респиратор ёрдам кўрсатиш учун зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, пульмонология бўйича мутахассисларни тайёрлаш ёндошувларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар берилди.

Яқунда қўмитанинг билдирилган фикр-мулоҳазалари инобатга олиниб, кун тартибидида масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

2022 йил 3 июнь

Парламент назорати



ҚўМИТАДА ВАЗИРЛИКЛАР АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг навбатдаги йиғилишида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг “Жорий йил январь — апрель ойларида хўнармандчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ҳисоботи эшитилди.

Ахборотда келтирилганидек, ҳисобот даврида хизматлар соҳасида 520 мингга иш ўрни яратилган. Хўнармандчилик йўналишида жорий йилда ажратилан кредитлар ва субсидиялар ҳисобига жами 80 минг нафар янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган бўлиб, 1 май ҳолатига салкам 5 минг нафарга яқин уста хўнармандлар ҳамда 20 минг нафардан ортиқ шоғирдлар ҳисобига 25 минг 219 та иш ўрни очилди. Шунингдек, ҳоким ёрдамчилари тавсияномаларига асосан 1 минг 205 нафар фуқарога 832 миллион сўм субсидия маблағлари ажратилган.

Депутатлар янги иш ўринларини яратиш бўйича олиб борилган ишларни эътироф этган ҳолда, айрим камчилик ва муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, хўнармандларга шоғирдлар тайёрлаш, зарур жомашё сотиб олиш ва шоғирдларни иш ҳақи билан таъминлаш, уларга мустақил фаолиятини бошлаш учун керакли асбоб-ускуна ва жихозларни сотиб олишга субсидиялар бугунги кунга қадар ажратилмагани депутатлар томонидан танқид қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар юзасидан парламент назоратини қучайтириш, сайлов округларига чиққанда мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишларни давом эттиришга келишиб олдилар.

Шунингдек, йиғилишда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларни яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ҳам таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини қафоллатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган тизимли иш-

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲУҚУҚИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ЁШ АВЛОД НИГОҲИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг “Конституциявий ислохотлар ёшлар нигоҳида” мавзуида навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбир

Унда Ёшлар парламенти аъзолари, Тошкент давлат юридик университети, Низомий номида Тошкент давлат педагогика университети талабалари, фаол ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қўшма мажлиси ҳамда Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссиянинг биринчи йиғилишида белгиланган устувор вазифалар муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислохотларни изчиллик билан давом эттиришда ҳуқуқий пойдеворни янада мустаҳкамлаш ва кенг қўламли ўзгаришларни қатъий давом эттириш мақсадида конституциявий ислохотларни амалга оширишда аҳолининг қарийб 60 фоизини ташкил этувчи ёшларнинг иштироки ғоят муҳим. Шу сабабли ёшлар, айниқса, Ёшлар парламенти ва жараёнда асосий локомов вазифасини ўташи, парламентга ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини конституциявий ислохотларда акс эттиришда ёрдамчи бўлиши лозим.

Йиғилишда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тик-

ланиш” демократик партияси фракцияларининг қўшма йиғилишида кўтарилган масалалар ва ушбу йўналишда Ёшлар парламенти томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокамалар жараёнида ҳудудлардан видеоконференция орқали иштирок этган Ёшлар парламенти аъзолари ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди.

Сўз олганлар конституциявий ислохотлар ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонунчи манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жавобгарлигини ва олиб борилайётган ислохотларга дахлдорлигини оширишга қаратилган вазифаларни бажаришга хизмат қилишини таъкидлади.

Қонун ижодкорлиги, айниқса, конституциявий ислохотлар жараёнида Ёшлар парламенти аъзоларининг дахлдорлиги ҳисси юқори даражада бўлиши ва ҳар бир босқичда фаол иштирок этиши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида Ёшлар парламенти аъзолари томонидан конституциявий ислохотларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган тақлифларни ишлаб чиқиш, бу борада ўрганиш ишларини олиб бориш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ДАВРНИНГ ЎЗИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг **“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”** китобида демократик ислохотларни янги сифат босқичига олиб чиқувчи янада жиддий вазифалар қўйилган. Улар қонунчилик ҳамда ҳуқуқни англаш ва қўллаш тизимини, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини умуминсоний кадриятлар ва барқарор ривожланиш тамойил-ларига йўналтиради. Янги Ўзбекистонга мувофиқ келадиган янги конституциявий принцип ва нормаларни белгилаш кўзда тутилган.

Аввало, бу **“Инсон қадри учун”** устувор тамойиллини ҳаётга татбиқ этишга тегишлидир. Бунда инсон қадри — мамлакат-нинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаётни, фунда-ментал ҳуқуқ ва эркинликлари, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда

соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини аналтади.

Жорий йилнинг 20 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қўшма мажлисида **Конституцияга ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юза-сидан Конституциявий комиссия ташкил этилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди.**

Ушбу долзарб масала шу йил 30 май куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси **Давлат ва ҳуқуқ инсти-тутида** фаолият юритаётган ҳуқуқшунос олимлари ишти-рида муҳокамадан ўтказилди.



Колаверса, республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузи-ши, ҳамдустликларга, бошқа давлатларга тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб қикшиш мумкинлиги ҳам кўзда тутилган.

Ушбу моддада умумэти-роф этилган халқаро ҳуқуқ модда ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади, деб бошқа халқаро ҳуқуқ принципларига ҳавола берил-моқда. Замонавий конституцияларда эса имкон қадар ҳавола бериш амалиётидан воз кечиш айни муддаодир.

Юқоридигилардан келиб чиқиб, 17-моддани халқаро ҳуқуқнинг бошқа умумэтироф этилган қуйидаги принциплари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

- халқаро ҳуқуққа оид мажбуриятларни виждо-нан бажариш;
- давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;
- халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш;
- давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш;
- давлатлар чегараларининг бузилмаслиги.

Ҳайдарали ЮНУСОВ, юридик фанлар номзоди, доцент:

— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқаруви, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жа-мияти институтлари, эко-логик хавфсизлик, сўз эр-кинлиги, очик жамият қуриш соҳасида олиб бо-рилаётган сиёсат ва то-бора чуқурлашиб бораёт-ган глобал жараёнлар, та-биийки, тизимли ислохот-лар ва уларнинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштиришни талаб этади. Шу боис миллий-ҳуқуқий тизим “хамиртуруши” бўлган Конституция ислохотларнинг биринчи ҳалқасидан жой олади.

Конституциямизнинг 7 та моддаси ва улардаги 13 та банд бевосита ташқи сиёсат масалаларига бағишланган. Булар — 1-модда, 17-модда, 78-модда (4, 20-бандлар), 80-модда (8-банд), 93-модда (Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатла-ри, 3-7-бандлар), 98-модда (Бош вазир ваколатла-ри, 3-банд), 109-модда (1, 2-бандлар)лардир. Назаримизда, мавжуд конституциявий нормалар кенг қамровли ташқи сиёсат юритиш учун етарли эмас.

Бундан ташқари, Асосий Қонунимизда халқаро шартномаларга оид алоҳида нормалар мавжуд эмас. Хорижий тажрибага назар солсак, 1958 йил 4 ок-тябрда қабул қилинган ва ҳозирги кунда амал қилиб келаётган Франция Конституциясида “Халқаро шартномалар ва битимлар тўғрисида” деб номла-нувчи алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, унинг 52 — 55-моддаларида халқаро шартномалар тур-лари, музокара олиб бориш, шартномаларни рати-фикация қилиш, кучга киритиш тартиби баён этилган.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Асосий Қонунимизнинг ташқи сиёсатга оид норма-ларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда IV бобни янги моддалар билан

бойитиш, унга республиканинг халқаро шартнома-лари ва битимлар тўғрисидаги қоидаларни қўшиш фойдадан холи эмас.

Қаҳрамон УМИДУЛЛАЕВ, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори:

— Тараққиётнинг ҳозирги босқичида қўллаб-давра-да ислохотларнинг асосий мақсади давлат органлари фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган ва бу ўзгаришлар қонун ҳужжат-ларида ўз аксини топмоқда. Айрим давлатлар Консти-туциясида давлат бошқару-ви органлари самарали фаолият юритиши лозимли-ги белгиланган. Масалан, Испания Консти-туциясининг 103-моддасида давлат бошқаруви органлари умумий манфаатларга ҳолис хизмат қили-ши, самаралилик тамойилларига мувофиқ ишлаши белгиланган.

Фикримизга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг V боби Умумий қоидалар бўли-ми “Давлат органлари ва хизматчилари самарали фаолият юритиши лозим” деган янги модда билан тўлдирилиши улар фаолияти самарадорлигини таъ-минлашга хизмат қилади.

Лавиза ИСХОҚОВА, юридик фанлар номзоди:

— Бугунги кунда Ўзбе-кистон давлат бошқаруви-ни рақамлаштириш ва иж-тимоий ҳаётнинг барча со-ҳасини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ чи-накам цивилизация пого-насини бошдан кечирмоқ-да. Юртимиз тизимли ва ахборотлашган жамият сари дадил оқимламоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил октябр ойида “Digital Uzbekistan — 2030” Стратегияси тасдиқланди. Унда рақамли иқтисо-дийни фаол ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, барча тармоқ ва со-ҳаларга, биринчи навбатда, жамоат транспорт, маъ-мурият, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ ҳўжа-лигига замонавий ахборот-коммуникация техноло-гияларини кенг жорий этиш белгиланган.

Рақамли технологияларни ривожлантириш улар-ни ҳуқуқий тартибга солишдан олдинда юради ва уларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари пай-до бўлиши мумкин ҳамда бу уларни миллий ва халқаро ҳуқуқий даражада тартибга солишни талаб қилади. Ахборотни узатиш, қайта ишлаш усуллари-ни ишлаб чиқиш турли хил қонун ҳужжатларида, халқаро ташкилотлар электрон стратегияларида ва ҳужжатларида қўлланиладиган ва уларни бир-лаштириш ҳамда турли хил ҳуқуқий ҳужжатларда қарама-қарши ишлатилишининг олдини олишни талаб қиладиган янги атамалар ва тушунчаларнинг пайдо бўлишига таъсир қилади.

Ўзбекистонда ахборот жамиятини шакллантириш-га бўлган энг муҳим ёндашувлар ва жамиятнинг турли соҳаларида рақамлаштиришни жорий қилишнинг асосий тамойилларини Конституцияда акс эттириш вақти келди.

Конституциямизнинг 16-моддасини қуйидаги қоида билан тўлдиришни таклиф қиламиз: “ахборот жамиятини шакллантириш ва рақамли техноло-гиялардан фойдаланиш шахсий ва жамоат манфаат-ларига зарар етказмаслиги керак”.

«Халқ сўзи».

Экспертлар фикри

Мурод ТУРҒУНОВ, юридик фанлар доктори:

— Бош қомусимиз таркибий тузилишига назар солсак, бунда дав-лат, инсон ва фуқаро-лар, жамият ва шахс-нинг ҳуқуқий мақоми, ўзаро муносабатлари борасидаги тегишли ҳуқуқий асосларни қуриш мумкин. Айни пайтда бунда жамоат бирлашмалари, оила ва оммавий ахборот восита-лари мамкеи ва фаолияти бўйича ҳуқуқий тартибга солиш конструкциялари ҳам яққол акс эттирилган. Зеро, инсон, фуқаро ва шахс онгли биологик мавжудот сифатида ижтимоий муносабатларнинг асосий иштирокчиси ҳисобланади.

Ижтимоий муносабатларнинг жадал ривожланиши натижаси ўлароқ, эндиликда ижтимоий-сиёсий ҳаёт “давлат — жамият — инсон” парадигмасидан “инсон — жамият — давлат” парадигмасига ўзгармоқда.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон страте-гияси” асарида “Биз ўн йиллар, асрлар давомида амал қилиб келинган “давлат — жамият — инсон” тамойилини “инсон — жамият — давлат” тамойи-лига ўзгартирдик. Юртимизда “Давлат — инсон учун” ғояси амал қила бошлади”, дея қайд этган-ди. Ушбу дастурийлашма қоида давлат раҳбарининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбе-кистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 13-бандида ҳам ўз ифодасини топ-ди. Унда назарда тутилган давлат бошқаруви орган-ларининг “Давлат — инсон учун” тамойили асоси-да ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъули-яти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳамда улар-нинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида Конституциянинг 13-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдириш так-лиф этилади: “Давлат сиёсати халқ давлат идора-ларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилади деган принципга асосланади”.

Омонбой ОКЮЛОВ, юридик фанлар доктори, профессор:

— Янги Ўзбекистон ҳуқуқий асослари ҳам сифат жиҳатидан яхшиланимгои лозим. Бу давлатнинг асосий қонуни бўлган Конституциямизга ҳам таал-луқли. Шавкат Мирзиёев янги муддатга лавозимга кирилиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлиси йиғилишида таъ-кидлагандек, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ислохот-ларимиз мантиги талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. Бу ҳам бўлса, мамлақати-мизда конституциявий ислохотларни амалга оши-ришдан иборат.

Конституция кўп мил-латли давлат бўлган Ўзбекистон Республикаси-нинг Асосий қомуси ҳисобланади. Унинг мат-ни ўзбек, рус ва инглиз тилларида расмий аутен-тик кучга эга бўлмоғи ло-зим. Қонунчилик техника-си нуктаи назаридан рус ва ўзбек матнларида аниқ ва қатъий бир хиллик таъминланиши шарт.

Шу муносабат билан Конституциянинг 38-мод-даси ўзбекча ва русча матни бир хиллигини таъминлаш мақсадида қайта таҳриргга муҳтож. Конституциявий ислохотлар жараёнида унга алоҳи-да эътибор қаратиш лозим.

Умуман, юқоридаги фикр-мулоҳазаларнинг ай-рим қирралари баҳсли характерга эга бўлиши ис-тисно этилмайди. Бироқ, энг муҳими, улар муҳока-ма мавзуси бўлиши лозим. Конституциявий исло-хотлар кенг умумхалқ муҳокамаси иштирокида амал-га оширилиши табиий. Шу сабабли ҳам ҳар бири-миз бу соҳада фаол бўлишимиз, чуқур фикр юритишимиз ва ўз нуктаи назаримизни ишлаб чиқишимиз керак бўлади.

Жўрабой ТОШКУЛОВ, юридик фанлар доктори, профессор:

— Жаҳонда, минтақамизда-ги сўнгги чорак асрда юз бер-ган ижобий ва салбий ўзга-ришларни, шу даврда мамла-катимизда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар-ни, конституциявий ислохот-лар бўйича миллий ва хори-жий тажрибани ҳисобга олиб, юртимизда конституциявий ислохотларни амалга оши-ришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақ-садга мувофиқ:

● Ўзбекистон Республикасининг яқин ва узоқ келажақдаги мақсад ва вазифаларини аниқ қилиб белгилаш;

● ҳозирги қалтис ва мураккаб халқаро ҳамда минтақавий сиёсий вазиятни ва хавфсизликка янги таҳдидларни ҳисобга олиб, республикамиз сувере-нитетини мустақамлаш, мудофаа қудратини оши-риш, чегаралар дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги-ни таъминлашнинг замон талабига жавоб беради-ган, ишончли ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратиш ва уни такомиллаштириш;

● ҳокимиятнинг уч тармоғи тенглиги, бир-бири-нинг фаолиятига аралашшининг олдини олиш, бир-бирини тийиб туршининг амалда рўёбга чиқиш ме-ханизмини акс эттириш;

● инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-



рени кафолатли таъминлашнинг амалдаги ташки-лий-ҳуқуқий механизмини сўнгги чорак асрда қабул қилинган соҳага оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ва ривожланган давлатлар тажрибаси-ни ҳисобга олиб, мазмунан бойитиш.

Мироил БАРАТОВ, юридик фанлар доктори, профессор:

— Ўзбекистон Консти-туциясининг 55-моддасига биноан ер, ер ости бойлик-лари, сув, ўсимлик ва ҳай-вонот дунёси ҳамда бош-қа табиий заҳиралар умумий-лий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофаз-асидадир.

Конституция ва Ер кодек-си ерга нисбатан давлат-нинг мутлақ мулк ҳуқуқини ўрнатади ҳамда фуқаро-лар ва юридик шахсларга эса ерга нисбатан ашё-вий ҳуқуқларни белгилайди. Ер кодекси 17-модда-сига мувофиқ, юридик шахслар доимий эгаллик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асоси-да ер участкаларига эга бўлишлари лозим, жисмо-ний шахслар эса, мерос қилиб қолдириладиган уйрбод эгаллик қилиш, доимий фойдаланиш, му-датли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиш-лари мумкин.

Воқеалар ривожини шуни кўрсатмоқдаки, бугун ва-зият мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар баробарида тубдан ўзгарди. Ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг белгиланиши, юқорида айтганимиздек, ривожланган бозор шароитининг зарур шартларидан бири (инвестициявий жозиба-дорлик воситаси, ерлардан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиш нуктаи назаридан) сифати-да амалга оширилиши мумкин.

Шу муносабат билан ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқининг жорий этилиши конституциявий исло-хотлар фонида секин-асталик билан амалга оши-рилиш лозим бўлган жараён, деган хулосага келиш мумкин.

Одилжон СУЛАЙМОНОВ, юридик фанлар доктори, доцент:

— Асосий Қонунимизнинг IV боби 7-модда-сида Ўзбекистон Республикаси халқаро муноса-батларнинг тўла ҳуқуқий субъекти сифатида унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл бил-лан ҳал этиш, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоида ва нормалари-га асосланиши белгиланган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ

ташаббускор ва интеллектуал жиҳатдан етук ёшлар қўлида

Давлатимиз раҳбари яқинда мактаб битирувчиларига йўллаган табригида “Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган сиз каби ёшларимиз учун Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатига айланиб бормоқда. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган 162 та олий ўқув юрти, қўллаб-қасб-хўнар мактаблари, коллеж ва техникумлар келгусида сизларнинг ўзингиз танлаган соҳалар бўйича етук кадр ва малакали мутахассис бўлишингиз учун хизмат қилади”, дея алоҳида таъкидлади. Бу бежиз эмас. Чунки бугун жамиятимизда мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш ҳамда дунёнинг ривожланган давлатлари сафига қўшилиш борасида кенг қамровли ислохотлар олиб боришмоқда. Ушбу ислохотларнинг том маънодаги таянчи ва давомчиси бўлган ёшлар масаласи сиёсатимизнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Муносабат

Ҳар бир ривожланган давлатда инсон тафаккури ва унинг салоҳияти энг муҳим омил саналади ҳамда катта бойлик сифатида тан олинади. Шу мақсадда кадрлар-ни танлаб олишда юқори салоҳиятга эга раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришга биринчи ўриндаги вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилади.

2022 йил 2 мартда Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси томонидан “Давлат фуқа-ролик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, Олий Мажлис Сенатининг 28 май куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида у сенаторлар томонидан маъқулланди. Маз-кур қонунга мувофиқ, эндиликда махсус ва-колатли орган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги) томонидан дав-лат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат босқаруви ва маҳаллий ҳокимликда идора-ларда меҳнат қилаётган 100 миңдан зиёд давлат фуқаролик хизматчиларининг фао-лияти, уларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбу-риятлари, давлат фуқаролик хизматиغا ки-риш ҳамда ушбу тизимда коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш-га оид муносабатлар тартибга солинадиган бўлди.

Бу нима дегани? Аввало, бундан буюн давлат хизматчининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга йўл қўйилмайди. Чунки сир эмас, кўпгина давлат хизматчилари ўз ваколатидан фой-

даланган ва уни суиистеъмол қилган ҳолда, “тадбиркорлик” нқоби остида иш қўриб келаётган эди. Ёки қонунга кўра, эндиликда давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошлиқда ёки қудда то-мондан қариндош бўлган шахсларнинг айнан битта давлат органи ва ташкило-лида бирга хизмат қилиши мумкин эмас. Коррупцияга оид жиноятларни содир эт-ган шахслар давлат фуқаролик хизмати-га қабул қилинмайди.

Бундан ташқари, коррупция ҳавфи юқори бўлган лавозимларни эгаллаб турган дав-лат фуқаролик хизматчилари мажбурий ротация қилинади. Хизмат ваколатларини бошқа шахсларнинг манфаатларини қўзлаб-бажариш ёки бажармаслик вазивига улар-дан бирон-бир муқофот, фойда ёки совга-лар олиш қатъий тақиқланади. Шунингдек, давлат хизматчиларига чет эл банклари-да омонатлар очиш, чет эл фуқаролигини олиш, сиёсий партияларга аъзо бўлиши тақиқланмоқда. Қайд этилган белгилан-ган чекловларга риоя этилмаган тақдир-да, давлат фуқаролик хизматчиси нафакат ишдан кетиши, балки жиноий жавобгар-ликка тортилишига асос бўлади.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва тас-диқланиши давлат органларида фаолият кўрсатаётган давлат хизматчиларининг иш самарадорлигини янада ошириши биро-бариди, мамлакатимиз олдиға қўйилган стратегик вазифаларнинг бажарилишига муҳим аҳамият касб этади.

Аслида ҳам давлат идораларидаги раҳ-барлик лавозимларига юқори билим ва юксак салоҳиятга эга, масъулият ва жа-

вобгарликни ҳис қиладиган, муҳим қарор-ларни қабул қила оладиган, ҳалол, фидойи, имон-эътиқодли кадрларнинг тайинланиши давлат идораларида янгиликка интилувчан-лик, ижтимоий-иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш ва рақобатбардошлиқни таъ-минлашга муҳим замин яратяди.

Ёшлардан иборат раҳбар кадрлар мил-лий захирасини яратишда албатта, улар-нинг билими, тажрибаси, ҳалоллиги, про-фессионаллиги, принципиалиги, жиддий-лиги эътиборга олинади. Бу сиёсатда очик-лик, шаффофлик, профессионализм, ра-қобат, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя, кадр-ларни баҳолаш тамойиллари асосий ўрин-ни эгаллайди.

Миллий кадрлар захираси, яъни дав-лат идораларидаги раҳбарлик лавозимла-рини энг муносиб кадрлар билан тўлди-риш бугунги куннинг устувор вазифа-ларидан биридир. Юртимизда давлат хиз-мати фаолияти самарадорлигини ошириш-га қаратилган ислохотлар, кадрлар сиё-сати соҳасидаги ишлар давр талаблари асосида олиб боришмоқда. Захира ном-зодларни ишга қабул қилишда уларнинг касбга оид сифатлари, билим ва тафак-кур даражаси алоҳида эътиборга олиниб, объектив ва одилона баҳоланмоқда. Му-ҳими, энг муносиб ва қобилиятии шахс-ларни танлаб олиш асосида, келажақда уларнинг хизмат погоналари бўйича кўта-рилиши қўллаб-қувватланмоқда.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги томони-дан захирага олинган кадрлар билан босқичма-босқич ишлаш тизими йўлга қўйилиб, уларнинг билим ва салоҳияти ҳамда тажрибасини доимий равишда юксалтириб бориш бўйича янги ташаб-буслар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022 йилда хорижий давлатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академия-сининг Самарқанд филиалида вилоят, ша-ҳар ва туманлар ҳокимликлари масъул хо-димлари, вилоят ҳокимлигининг истиқбол-ли захирасига олинган кадрларнинг малака ошириши белгилан олindi.

Ёшларга берилаётган эътибор ва яратилаётган имкониятларга муносиб бўлган, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли

ва фаол фуқаролик позициясига, теран фикрлайдиган, мустақил дунёқарашга эга ёш лидерларни аниқлаш ва уларни давлат хизматига жалб қилиш мақсадида вилоя-тимизда “Самарқанд келажақ жаваҳирла-ри”, “Келажақ лидерлари” ва “Самарқанд илмий қизлари” клублари фаолияти йўлга қўйилди.

Сўнгги икки йилда вилоятда фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда олий билимдан сай-ҳаракатлар натижасида 1,5 миң нафарга яқин иқтидорли битирувчилардан иборат вилоят ҳокимлигининг “Олтин захира”си шакллантирилди ҳамда улар билан дои-мий ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бугун-ги кунда истибқобли ёш кадрларимиз халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида самара-ли фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда уларнинг асосий қисми давлат бошқаруви идораларида, муасса-са ва ташкилотларда, хусусий секторда фаолият олиб бораётган бўлса, 200 на-фардан ортиқ ёш олим ва тадқиқотчилар илмий изланишлар билан банд. Бу йил ҳам вилоятдаги барча олий таълим муас-сасалари билан ҳамкорликда иқтидорли, ҳар томонлама етук, билимли ёшлар са-ралаб олинди. “Олтин захира”га олинган ёшларнинг 16 нафари номдор давлат сти-пендиантлари ҳамда 58 нафар иқтидорли магистрант битирувчи вилоятимиз ёш олим ва тадқиқотчилари ҳисобланади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ёшлар сиёсатини амалга оширишда барча дахлдор ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлиқни мувофиқлаштириб бормоқ-да. Ёшларнинг мулоҳаза ва тақлифлари инобатга олинган ҳолда, аниқ ва ман-зилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Уюш-маган ёшлар манфаатлари ҳисобга оли-ниб, улар ичидан ҳам ташаббускор ва иқтидорлилари захирага олиниб, бундай йилгит-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналиш-лар белгиланмоқда.

Шу билан бирга, ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли монито-ринги ташкил этилган бўлиб, меҳнат бо-зорида уларнинг рақобатдошлигини таъ-



минлашга қаратилган махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилди. Захирага олинган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ти-зимли ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий кадрлар захирасини шаклланти-ришда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривож-лантириш агентлиги Самарқанд вилояти филиали, вилоятдаги барча олий таълим муассасалари, бошқарма, қорхона ва та-шкilotлар, шаҳар ҳамда туманлар ҳоким-ликлар билан ўзаро ҳамкорлик тизими йўлга қўйилган бўлиб, унинг қамрови йил-дан-йилга оширилмоқда. Захирага олин-ган кадрлар ўз билим ва салоҳиятини ошириб, доимий изланишлар қилаётди. Миллий кадрлар захирасини бошқариш, давлат хизматчиларининг фаолияти са-марадорлигини юксалтириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш борасида тегишли идо-ралар билан ҳамкорликда тизимли иш-лар амалга оширилмоқда.

Давлат бошқаруви такомиллаштириш, давлат хизматчилари ва раҳбар кадрлар-га қўйиладиган талаблар, раҳбар сифати-

Бугун давлат хизматида фаолият кўрсатаётган ҳар бир шахс ўзининг функцио-нал вазифаларини тўлақонли ва ҳалол бажариш билан бирга, халқни рози қилиш ҳамда эртанги бундан-да фаровон қунарға руҳлантра билиш

Қашқадарё вилояти:

МЕҲНАТИ ҲАМ, ҚАДРИ ҲАМ УЛУҒ ОДАМЛАР

Қашқадарёда бағрикенг ва очикўнгил одамлар яшайди. Улар даврасида бир бўлган одам беғубор чалани гурунгни яна кўмсаб қолиши тайин. Қашқадарёликлар гавжум шаҳарнинг серкатнов кўчаларию осмонўпар биноларидан ҳайратланиши мумкин, аммо ўз юртининг шарқираб оқаётган зиллол бўлоқларини, асрларни қаритган кўм-кўк арчазорларини, салобатли тоғу тошларни, лолақизғалдоқдан алвон тусга кирган кенг даласию даштини ҳеч нарсага алиштирмаслиги аниқ.

Воҳа аҳли мамлакатимизда кечаётган улуғвор ислохотлар, элу юрт равнақи учун қилинаётган хайрли ишлардан асло четда қолмасликка интилиб яшашади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг томорқачиликни ривожлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар қарич ерни даромад манбаига айлантириш юзасидан бераётган топпирик ҳамда кўрсатмалари ижросини бекаму кўст бажариш пайида.

Тан олиш керак, вилоятда томорқа ерлари кўп, лекин улардан унумли фойдаланишда водий вилоятлари каби юқори натижаларга эришилмаётгани ҳам бор гап. Шу боис ҳам бугун Қашқадарёда томорқа ерларидан унумли фойдаланишда водий тажрибасини кенг ёйиш бўйича изчил иш олиб борилаётир. Ҳозирги ҳикоямиз шу хусусда.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Орзикул бобонинг боғи

Орзикул бобо нафақага чиққанида тенг-тўшларига “шундай бир боғ яра-тайки, ҳаммининг хаваси келсин” деган эди. Шунда унинг жўралари мийиғида кулиб, “энди шартинг кетиб, партинг қолганида бирон жойингни майиб қилиб олмагин тагин” деб киноя аралаш гап қотишганди.

Бу гап Орзикул бобога оғир ботди шекилли, ўша кундан бошлаб кетмонни олди-да, томорқага “шўнғиб” кетди. Кампири “яшанг, барака топинг” деб иссиқ-иссиқ чопи дамбаб, далда бўлиб турди.

Бу йил отахон етмиш саккизинчи баҳорини қаршилади. У яратган боғ эса шигил ҳосилга кириб, Косон туманидаги Чорбоғ қишлоғига ўзгача қўрк бағишлаб турибди. Богда йўқ дарахтнинг ўзи йўқ — ҳаммаси пайванд қилинган. Ҳосилга кирганида шохларини кўтара олмайди. Эл яхшини алқайди, деганларидек, ҳосилга кирганида шохларини кўтара олмай турган дарахтларни кўрган ҳамқишлоқлари “Нақд жаннатнинг ўзи-я, деҳқон бобо барака топсин” дейишадди. Қишлоқ ёшлари эса унга аллақачон “Орзикул бобонинг боғи” деб ном қўйишган.

— Ҳеч кексаликка бўйин бергим келмайди, — дейди Орзикул бобо. — Қўлимга кетмонни олсам ўз-ўзидан куч қуйлиб келади. Бўлмаса, 45 сотих кичкина жой эмас. Богда 10 туп гилос, 20 туп бодом, 20 туп анор, 20 туп қароли, 100 тупдан зиёд ток бор. Бунинг устига 12 сотих жойда иссиқхона қуриб, 100 туп лимон ва мандариндан ҳам мўл-кўл ҳосил оляпман. Лимон кўчати остига картошка экканман, ҳозир ҳосилини бозорга чиқаряпмиз. Умуман, шу богдан 25 миллион сўмдан зиёд даромад келиб турибди...

“Уригидан мағзи ширин” деганларидек, Орзикул бобо набираларини кўп яхши кўради. “Богдан келаётган даромадни 20 нафар набирамга атаганман, уларнинг яхши кунларига ишлатаман”, дейди. “Мен пулни нима ҳам қилардим, ўзи шулар учун яшяпмиз-ку!”, дея набираларини эркалаб, бағрига босади.

Эпласанг элакда сув...

Томорқаси борнинг хазинаси борлиги рост. Қамаш тумани “Ғиштли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Олмазор қишлоғида яшовчи Қурбонмурод ота Ҳимматов ўзининг 20 сотих томорқасидан ҳар йили ўртача 120 миллион сўм даромад олади.

— Очик айтганда, қишлоғимиз аҳолисининг ҳаммаси ҳам томорқа даромад манбаи эканини яхши билади, аммо кимдир сув йўқлигини, кимдир йил қурғоқчил келди, деб ёки қишда иссиқхона негисити учун газ йўқлигини баҳона қилиб, ернин қаровсиз қолдиради, — дейди Қ. Ҳимматов. — Тўғри, тан олиш керак, қишлоғимизда сув муаммоси бор, лекин бу муаммони ҳам интилиш, деҳқончилик илмини яхши ўрганиш орқали енгиб ўтса бўлади.

Мана, масалан ўзимдан қиёс: 3,5 сотих томорқамиз қишин-ёзин бўш турмайди. Эрта баҳорда помидор экиб, май ойида чиқарсам, ёзда бодринг, қуз-қиз ойларига иссиқхонада турли кўчат уруғини қадаб, бозорга қайраман. Рост, айна ёзда, пишиқчилик пайида сув тан қислиги сезилади. Шунда каналдан сув ташиб, ҳовузни тўлдирамиз ва томчилатиб сугоришни йўлга қўямиз.

Бу омилкор томорқачи токни вайиш қилиш, кесиш, шакл бериш ва ҳашаротларга қарши курашишда ҳам яхшигина тажриба тўплаган.

— Томорқамиздаги 36 туп ток ҳам асосий даромад манбаи ҳисобланади. Чунки ҳар йили уч тоннадан зиёд узум олиб, бозорга қайтарамиз. Деҳқончилик илмини яхши билсангиз, парвариниш, ишловни вақтида кам-кўстсиз амалга оширсангиз, ер сизни боқсади, — дейди томорқачи. — Бу йил биркам 60 ёш кирдим. Лекин чарчок нималигини билмайман, ишлаган сари ғайратим келади.

Умуман, мана шу томорқа даромади

ортидан тўрт ўғлим олий маълумотли бўлди. Ҳозирги кунда кенжа ўғлим хорижда, нефть-газ соҳаси бўйича контракт асосида ўқияпти. Қолаверса, ҳалол меҳнатимиз ортидан тўйлар қилиб, бир эмас, бир нечта машинали бўлдик. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: тўкис яшаш, фарзандлар орузсини амалга ошириш, қишлоқда обрў-эътибор топиш — буларнинг ҳаммаси томорқа туфайли экан, бу албатта, одамга илҳом беради-да!

Айни пайтда томорқачи ҳовлисига

тоғда ўсадиган ва баҳорда очиладиган

лолани хонақилиштириш ва кўпайтириш

устида изланмоқда.

Лутфулланинг «кўкатлар фабрика»си

Бугун одамларга ҳеч ким “кўчага чик, у ерни тозала, бу ерга кўчат эк”, демайди. Талаб қилинаётган юмуш, бу — ўз ҳовлисини гуллашиб қўйса, бас.

Мирҳорид туманида ҳам томорқасидан миллион-миллион даромад олиб, эл эътирофига сазовор бўлаётган томорқачилар жуда кўп.

Улардан бири — Лутфулла Худойбердиев. Унинг томорқасини гўёки “кўкатлар фабрикаси” дейсиз. Чунки бу томорқадан қишин-ёзин кўчат узилмай бозорга чиқарилади.

Хонадон соҳиби қайси кўкатни қайси вақтда экишининг ҳадисини олган.

— Деярли ҳар куни рўзгорга даромад киради — тонгданоқ бозорга пиёз, саримсоқпиёз, шивит, шовул, редиска, петрушка чиқарамиз, — дейди Лутфулла Худойбердиев. — Махсулот янги узилгани учун бозорда харидорини тез топади. Шунинг ортидан йилга ўрта ҳисобда 25 миллион сўмдан зиёд даромад қилияпиз.

— Кўчат етиштирувчилар кўп, аммо улар тарқок, — дейди наманганлик соҳибкор Аъзамжон Бахриддинов. — Уларни бирлаштириш керак. Махсулотни узиш, саралаш, боғлаш ва қадоқлаш технологияларини яратиш керак. Яъни махсулотнинг ўз бренди бўлсин, шунда бундай махсулотни бемалол супермаркетларга ёки кўшни ҳудудларга юбориш имконияти яратилади. Бунинг учун эса

тирган пиёз, саримсоқпиёз, шивит, шовул, кинза, петрушка, редиска каби кўкатлар билан таъминланади.

Талликуронлик 75 ёшни қоралаган Тоштемир бобо Расуловнинг ишчанлигини, чакқон ва меҳнатсеварлигини кўриб, қойил қолмай иложингиз йўқ. Омилкор отахон “рости, яшнаб турган томорқамизга боқиб, ўзим ҳам ҳузур қиламан” дейди.

— Ҳовлимиз ичида ва ташқарисиданги 10 сотих жойда исмалоқ экканман, — дейди у. — Ўтган йили сентябрь ойида экиб, апрель ойига қадар 5-6 марта баргини кесиб сотдик. Даромад эса 20 — 25 миллион сўмдан ошди. Апрель ойида исмалоқ ўрнига помидор, булғор қалампери кўчатларини экдик. Ерининг бир қаричини ҳам бўш қўймаймиш, ток парваришлаймиз, мевали дарахтларимиз бор. Қолаверса, қорамол боқамиз. Тўғриси, шу 10 сотих ердан унумли фойдаланилса, рўзгорга етарли даромадни топса бўлади.

Шу қишлоқда яшовчи Нодира Раҳмонова — бошланғич синф ўқитувчиси. У бўш вақтидан унумли фойдаланиб, ҳовлисиданги 3 сотих иссиқхонасида меҳнат қилишни қанда қилмайди. Бунинг самараси эса рўзгор кам-қўстини қоплаб келяпти. Илгари иссиқхонада мунтазам бодринг экиб келган бўлса, бу йилдан бошлаб иссиқхона помидор кўчатлари билан ҳам безанди.

— Томорқадан сифатли ва мўл ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилиш, ҳар бир махсулотни етиштириш борасида маълум билим ва кўникамга эга бўлиш лозим, — дейди у. — Иссиқхонадаги кўчатлар ривожидан дилим яйрайди. Уч сотих жойда минг туп помидор кўчати яшанаб турибди. Ҳар тупидан қамида 10 килограммдан помидор узишни ният қилганман. Агар шу мўлжал амалга ошса, 10 миллион сўм даромад нақд. Помидор териб олингач, иссиқхонага бодринг экилади.

6 сотих томорқада 400 бош қўй боқса бўладими?

Бу саволга Косон туманидаги “Юқори Арабхона” маҳалла фуқаро-

— Ҳеч кексаликка бўйин бергим келмайди, — дейди Орзикул бобо. — Қўлимга кетмонни олсам ўз-ўзидан куч қуюлиб келади. Бўлмаса, 45 сотих кичкина жой эмас. Богда 10 туп шилос, 20 туп бодом, 20 туп анор, 20 туп қароли, 100 тупдан зиёд ток бор. Бунинг устига 12 сотих жойда иссиқхона қуриб, 100 туп лимон ва мандариндан ҳам мўл-кўл ҳосил оляпман. Лимон кўчати остига картошка экканман, ҳозир ҳосилини бозорга чиқаряпмиз. Умуман, шу богдан 25 миллион сўмдан зиёд даромад келиб турибди...



ҳудудда “Томорқа хизмати” йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Лутфулла Худойбердиевнинг онаси кекса томорқачи Норхол момо Ҳамроева 70 ёшда. Шунга қарамай момо ҳали тетик ва бардам. Ҳовлисига барқ уриб ўсиб турган саримсоқпиёзни кўриб рост, хавасимиз келди. Бундан ташқари, томорқада пиёз, шивит, шовул, редиска, қўйингки, нимаики экиш мумкин бўлса, барчасидан бор. Мўъжазгина иссиқхона эса бодринг экиш учун тайёрланган. Норхол момонинг баҳорнинг илк кунларига очиладиган гуллари ҳовлига янада фэйз бағишлаб турибди.

Онахонга турли рангда жилоланидиган бу ноёб гулни кўпайтириш тавсия этилди.

Кичик томорқанинг катта фойдаси

Қарши туманидаги Талликурон қишлоғи аҳолиси азалдан кўчатчилик билан шуғулланади. Қарши шаҳри бозорлари асосан шу қишлоқ томорқачилари етиш-

лар йиғини ҳудудда яшовчи Шокир Элмуродов хонадонига борганимизда аниқ жавоб топдик.

Бу табдиркор инсон 20 сотих томорқасининг 6 сотихида қўй боқиладиган қўра қуриб, унда 400 бошдан зиёд майда туёқни бўрдоқига боқмоқда. Эътиборга молик жиҳати, ҳар тўрт ойда боқилган қўйларни сотиб, ўрнига янгисини олиб келади. Бу бир йилда уч марта бўрдоқни қўйлар сотиш, дегани.

— Қўриб турганингиздек, қўйхонамиз замонавий тилда барпо қилинган, — дейди Ш. Элмуродов. — Қўйларни боқиш, семиртириш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Эмлаш, касалликларга қарши ҳушёр туриш, аниқ рақшон асосида озиқлантириш ва зотдор турини танлаб, сотиб олиш эвазига яхши натижага эришяпмиз. Асосийси, бозорга сифатли гўшт чиқаряпмиз.

Асосан, биз гўштни Қарши ва Тошкент шаҳри бозорларига етказамиз. Бир йил давомда оладиган фойдамиз ўртача 600 миллион сўмдан ошади. Бўрдоқига қўй боқиш сердаромад соҳа бўлган



ни учун ҳам маҳалламизда деярли ҳар бир хонадон ўртача 70 бошдан 150 бошгача қўй боқади. Ҳатто 6-7 сотих жойни эгаллаган қўрада 600 — 700 бош қўй боқётган кишилар ҳам бор.

Шокир Элмуродов 6 сотихли қўйхонасининг ёнидаги 10 сотих жойда боғ ҳам барпо қилган. Ўтган йили водийдан олиб келиб экилган 120 туп интенсив ярим пакана навли олма дарахтлари бу йил гуллаб, мевага кира бошлади.

Аслида ҳам бозорларимизнинг арзон ва тўқин бўлишида мана шундай тиниб-тинчимас инсонларнинг ўрни жуда муҳим.

Балиқчилик: бир йилда 1 миллиард сўм даромад

Чироқчи туманидаги “Қаҳрамон” маҳалла фуқаролар йиғини балиқчиликка ихтисослаштирилган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Қаҳрамон қишлоғида табиий равишда ер остидан чўчук сув отилиб чиқади. Бу сувда балиқ парвариш-лаш жуда қулай.

Шу ерлик одамларнинг айтишича, балиқчиликни қишлоққа Абдурашид Аҳмедов олиб кирган.

— Балиқчилик билан шуғулланаётганимга тўрт йил бўлди, — дейди Абдурашид Аҳмедов. — Интернет орқали Фарғонанинг Олтиариқ туманида балиқ етиштирувчи табдиркорни кўриб, унга жуда хавасим келганди. У Африка лаққасини боқар экан. Бир сотих жойдаги ҳовузда 10 минг дона балиқ чавогини ташлаб, саккиз ойда 10 тонна балиқ етиштирибди. Шу табдиркорни излаб йўлга бордим. Уч ой балиқчиликни миридан-сиригача ўргандим.

Маълум бўлишича, Африка лаққаси 20 даража иссиқликдаги сувда ривожланиб экан. Бизнинг маҳаллада эса ер остидан 23 даражали иссиқ сув чиқади.

Бу қулайликдан фойдаланиб, уйимда эни 10 метр, узунлиги 30 метр ҳовуз қуриб, 30 мингта балиқ чавоғи ташлаб, 8 ойда 200 миллион сўм даромад қилдим.

Бугунги кунда банкдан 300 миллион сўм кредит олиб, 5 та ҳовузда 150 мингта балиқ боқяпман. Ҳар ҳовуздан 200 миллион сўмдан, жами 1 миллиард сўм даромад олишни мўлжаллаяпман. Саккиз нафар доимий ишчим бор. Қишлоғимизда менга ўхшаб қирқдан ошдиқ табдиркор балиқчилик билан шуғулланади. Улар сафини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва то-

морқа ер эгалари Кенгаши раисини А. Ҳайтов менга балиқчилик кооперацияси ташкил этиб, яна 50 нафар кишини бу соҳага жалб қилиш таклифини берди. Бу менга жуда маъқул бўлди.

Насиб этса, кредитлар ҳал бўлса, қишлоғимизда балиқчилик кооперациясига асос соламыз.

Ҳоким ёрдамчиси намуна бўлса...

Касби туманидаги Талликулонг маҳалласида ҳоким ёрдамчиси бўлиб иш бошлаган Латофат Қўйлиева ҳудуддаги 500 дан зиёд хонадоннинг қўй берида қамида 2 сотихдан олмасор боғ яра-

...Бугун ер билан тиллашадиган инсон борки, меҳнатидан унум, самара топмоқда. Эзгу ниятли томорқа соҳибининг меҳнати, интилиши, изланиши билан нафақат унинг ўзи, балки жамият, эл-юрт манфаат кўрмоқда. Аслида ҳам, томорқа нафақат оила аъзоларининг эҳтиёжини қондириш, балки қўшимча даромад манбаи ҳамдир. Қашқадарёлик миришкорлар томорқадан унумли фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш орқали миллионерга айланмоқда, бундай оилалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Фахриддин БОЗОРОВ «Халқ сўзи».

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва жамғариш маданиятини шакллантириш мақсадида ахборот-таълим стикерларини чоп этиш ва уларни жамоат транспортида, шу жумладан, метрополитен, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидаги автобусларда жойлаштириш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда ушбу соҳада етарли малакага эга бўлган ташкилотлар ўзларининг тижорий таклифлари билан қатнашишлари мумкин.

Тижорат таклифи конвертда муҳрланган ҳолда қуйидаги манзилда қабул қилинади:

100027, Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 1-уй.

Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидагиларга мурожаат қилиш мумкин:

Тел.: 71-238-69-45, 71-238-69-46.

Веб-сайт: www.fgd.uz

E-mail: info@fgd.uz, uzfgvgb@mail.ru

Белгиланган муддатдан кейин юборилган тендер таклифлари қўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Барча юридик ва жисмоний шахслар ДИҚҚАТИГА!

“Энерго-РЭС” МЧЖ (СТИР: 306348258) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сонли “Энергетика вазирлиги ҳузурида “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида” ва “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2022 йил 26 майдаги 5.1-сонли бошқарув қарорига асосан, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг “Давлат харидлари маркази” филиали қилиб қайта ташкил этилганини эълон қиламиз.

Юридик манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 8-уй.

Почта манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 9-“А” уй.

КИЧИК НОВВОЙХОНА

керамик иситкичларда (тандир усулида)

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
- 2) Булочкалар 15х15 см. — 108 та.
- 3) Сомса 12х12 см. — 128 та.
- 4) Пицца 45х45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8.4 кВт.

Ёнғинга хавфсиз, кучланиш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номунаси билан).

12 ойлик кафолат.

5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар: 95-169-68-51, 71-279-38-54.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 223 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

133N 0130-6768
4772030 478004

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун бўлушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.50 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6